1-29497

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

19 апрель, шанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 86 (1603)

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

КИЕВ. 18 апрель. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бугун Украина парламенти раиси А. Мороз билан учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Ўзбекистон билан Украина ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг якуний йиғилиши бўлди. Сўнг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қиладиган ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Маросимдан сўнг, Ўзбекистон ва Украина Бош вазирлари Ў. Султонов, П. Лазаренко журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ МАНБАИ

Бўлажак сессия кун тартибига «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Мухбиримиз ана шу қонун лойиҳаси хусусида Олий Мажлиснинг иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитаси раиси, Олий Мажлис депутати Анвар ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашди.

-- Анвар Зиёевич, аввало, сессия кун тартиби хусусида...

-- Қўйилган масалаларнинг ҳаммаси ҳам муҳим ва долзарб. Уларни ўта масъулият билан чуқур муҳокама этиш, мукаммал ҳолга етказиб, сўнг бир қарорга келиш зарур.

-- «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.

-- Бундан кўзланган мақсад мамлакатда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини яратиш, мулкдорлар синфини жадал шакллантириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдир.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатяптики, ислоҳотларни амалга оширишда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш барқарор иқтисодий ўсишга эришишда жуда муҳимдир.

Турли мулк шаклларидаги кичик корхоналар монополиядан ҳоли бўлишга, янги иш жойлари ташкил этишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғломлаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

-- Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни ҳақида тўхталсангиз.

-- Биз бу лойиҳани тайёрлаш учун республикамизнинг мутасадди ташкилотлари, Фанлар Академиясининг, Тошкент иқтисодий университетининг мутахассислари билан маслаҳатлашдик. Етакчи иқтисодий олимларнинг фикрларини ўргандик. Қонун лойиҳаси Олий Мажлис қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмиталари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Адлия вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда яратилди.

-- Ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибалари ўрганилдими?

-- Албатта. Уни тайёрлашда қўшни ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқдик. Шунингдек, Жаҳон банки, Жаҳон валюта фонди, Европа қайта қуриш ва ўзгартириш банки, Америка ҳуқуқшунослар ассоциацияси вакилларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинди.

Яна бир нарсани таъкидлашни истардим. Кўпгина мамлакатларда савдо-саноат палатаси деб аталувчи нодавлат бирлашмалар мавжуд. Масалан, АҚШда савдо палатаси, саноатчиларнинг миллий ассоциацияси, 40 дан ортиқ ташқи савдо ассоциацияси, Японияда иқтисодий ташкилотлар федерацияси, савдо-саноат палатаси, тадбиркорлар ташкилоти федерацияси, Жанубий Кореяда саноатчилар федерацияси, савдо-саноат палатаси, Туркияда қўша-қўша савдо-саноат палаталари фаолият юритаяпти. Бу мамлакатларда ана шундай савдо-саноат палаталари фаолиятларини мувофиқлаштирувчи қонунчилик ҳам мавжуд. Кейинги йилларда МДҲ мамлакатларида ҳам савдо-саноат палаталари ҳақида қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Россия ва Қирғизистон мамлакатларида шундай қонунлар мавжуд.

Маълумки, бир йилдан буён мамлакатимизда ҳам Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолият кўрсатмоқда. У 1996 йил 12 мартда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини тузиш тўғрисида»ги Фармони асосида тузилган эди. Ушбу Фармон Палата фаолияти учун асос бўлди. Республикамиз ҳукумати палата фаолиятига катта эътибор бермоқда. 1996 йил 12 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолияти масалалари ҳақида», шунингдек, «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш Фонди Низомини тасдиқлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида» қарорлар қабул қилинди. Булар палата фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

-- Ушбу қонун лойиҳасининг муҳим бандларига ҳам тўхталсангиз.

-- Қонун лойиҳаси 17 моддадан иборат бўлиб, унинг биринчи моддасида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тушунчасига таъриф берилган ва бу -- тармоқ хўжалик бирлашмаларига кирмайдиган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилот ҳисобланади, деб қайд қилинган.

Чунки бугунги кунда республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 219 та шаҳар ва туман ҳудудий палаталаридан ташкил топган. Ўз сафида 80 минг кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, юридик ва 140 минг жисмоний шахсларни бирлаштиради.

Палатанинг мақсад ва вазифалари қонуннинг 3-моддасида белгилаб қўйилган.

Жумладан, Палата республика иқтисодиётини ривожлантириш, унинг жаҳон хўжалик тизимига уйғунлашувига кўмаклашиш, бозор инфраструктурасининг яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш, тадбиркорларнинг ўз иқтисодий шериклари билан муносабатларини тартибга солиш, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилиши қайд қилинган.

Айни пайтда лойиҳанинг ушбу моддасида Палата давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан, бошқа мамлакатларда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар манфаатларини ифодалаши ҳуқуқий асосланган.

Қонун лойиҳасининг 4-моддасида Палатанинг давлат органлари билан қандай муносабатда бўлиши ёритилган. Жумладан, «Палата ўз вазифаларини бажариш жараёнида давлат органлари билан ушбу қонун ва бошқа қонунлар асосида ҳамкорлик қилади» -- дейилган. 9-10 моддаларда аъзолик ва уставга эга бўлиш тамойиллари ўз аксини топган.

Ўйлаймизки, бўлажак сессияда муҳокама қилинадиган қонун лойиҳаси республикамизда тадбиркорликни ривожлантиришда, давлат сиёсатини фаоллаштиришда, улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

«Халқ сўзи» мухбири Ойбек РАҲИМОВ суҳбатлашди.



ХИВА ТАНТАНАЛАРГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Қадимий Хиванинг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик қизғин олиб борилянти. Маълумки, тантаналарга ҳозирлик кўриш учун республика бюджетидан 80 миллион сўм, вилоят хазинасидан ҳам шунча миқдорда маблағ ажратилган. шунингдек, юбилей муносабати билан ташкил этилган «Хива -- 2500» жамғармасига ҳомий ташкилотлардан, шанбаликлардан, олийҳиммат кишилардан хайриялар тушган. Айни пайтда бу маблағлар ҳисобига тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Республика маблағи ҳисобига биринчи чоракда 15 миллион сўмлик ҳажмда иш қилиниши керак эди. Қурувчиларнинг шижоати туфайли бу режа ортиғи билан бажарилиб, жами 16 миллион 700 минг сўмлик тиклаш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

СУРАТЛАРДА: «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари (чапдан) ака-ука Ҳамид ва Жасур Абдиезов ҳамда Ҳамро Нурматовлар; Ичан қалъада таъмирлаш ишлари.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) тасвирга олган.

КЎНГИЛ ОЙНАСИ

КИМ КИМГА МУҲТОЖ?!

Сохта матбуот эркинлигини шиор қилиб олиб, инсон шаънини ҳақоратлашни демократия, деб тушунадиганлар ўқимасин

Россия бизга муҳтожми ёки, аксинча, биз уларгами? Балки саволнинг шу таҳлитда қўйилиши унчалик тўғри эмасдир. Аммо кейинги пайтларда Россия оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлаётган қатор мақолалар масалага айнан шундай ёндашишни тақозо этмоқда. Бу мақолаларнинг мазмунини чақадиган бўлсангиз, собиқ СССР ворисининг миллий республика-давлатларга унчалик бефарқ эмаслигига, уларни осонгина «қўйиб» юбормаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу борада амалий ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилганини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳаракатлар эса «Чекка миллий ўлкаларда яшаётган русийзабон халқларни ҳимоя қилиш», «Россиянинг давлат бутунлигини сақлаб қолиш», «Ҳамдўстлик давлатлари доирасида интеграциялашув» каби важлар асосида кечмоқда. Улар қандай важ ва заруратлар билан изоҳланмасин, қай шаклларда кечмасин, мазмуни битта: қандай бўлмасин, миллий республикаларнинг тизгинини қўлдан чиқазиб юбормаслик.

Кўриниб турибдики, янги Россия давлатчилиги ҳали эски империячилик кайфиятидан қутула олмаган. Бунинг устига, СССРнинг парчаланиб кетиши, жаҳон социалистик тузумининг барбод бўлиши НАТО қўшинларини рус чегараларига яқинлашиб қолишига олиб келди. Қолаверса, халқаро иқтисодий-молиявий уюшма ва ташкилотлар, ривожланган давлатларнинг мустақил миллий давлатлардаги позицияси мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Албатта, ҳар қандай сиёсат, хатти-ҳаракатлар замирида иқтисодий манфаатлар, рағбатлар ётади.

(Давоми 2-бетда).

ПИЛЛАКОРЛАР ТАРАДДУДИ

Мамлакатимиз вилоятларида пилла боқиш мавсуми бошланмоқда. Бу йил Сурхондарёда пиллакорлар билан тайёрловчи идоралар ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ 18 минг оилавий звено пилла етиштиради. Аввалги йиллардагидан фарқли ўлароқ ипак қурти боқувчилар мазкур идоралар томонидан уруғлик, сўри, қоғоз ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланади. Пилла қурти боқиш бўйича малакали мутахассис хизмати йўлга қўйилади.

Бухоро вилоятида мавсумга тайёргарлик пилла қурти боқиш учун қанча озуқа борлигини аниқлашдан бошланди. Салкам 4 минг 700 гектар тут плантациялари, жумладан, йигирма мингдан кўпроқ тут дарахти парваришлана бошланди. «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти бу йил 50 минг қути ипак қурти уруғини тарқатади.

Инкубаторийларни мавсумга ҳозирлаш ниҳоясига етмоқда. Мавсум бошланиши билан пиллачилик звеноларига 25 фоиз миқдорида аванс берилиши кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

МАДАНИЯТ САРОЙИ ИШГА ТУШДИ

Қизилтепа туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида маданият саройи қурилиши битказилиб, ишга туширилди. Бино қурилишига жамоа хўжалиги ва «Фарҳод» ҳиссадорлик жамияти бош-қош бўлди.

Тўрт юз ўринга мўлжалланган маданият саройига вилоят маданият ишлари бошқармаси 350та ўриндиқни бепул ҳадя қилди.

Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 1997 йил 24 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрель куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ҲОКИМИЯТ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР БЛОКИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши ХДП Марказий Кенгашининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ҳамда «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси Олий Мажлисда йиғилади. «Ватан тараққиёти» партияси фракциясининг йиғилиши шу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида ўтказилади.

Депутатлар партия фракцияларининг ҳамда блокининг йиғилишлари 23 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади.

ТАЖРИБА

ИШЧАН ДЕҲҚОННИНГ ЕРИ САҲИЙ

• Ҳар гектар ердан 252.591 сўм даромад
• Сабзавоткорнинг ойлик иш ҳақи 5100 сўм
• Илғорларга 900 килограммдан буғдой

Сабзавотчиликда ўзига хос мактаб яратган, дала академиги деб тан олинган Усмонали ота 72 ёшни қаршилаган бўлса-да, касбини тарк этгани йўқ. Чорак аср етакчилик қилган бригадасини деҳқон-фермер хўжалигига айлантириб, ўғлини бошлиқ қилиб қўйди. Ўзи эса -- маслаҳатчи. Бундан 25 йил аввал ота бригадани қабул қилиб олганда сабзавот ҳосилдорлиги атиги 68 центнер эди.

Аҳволни ўнглаш мақсадида сабзавоткорликнинг илмий ва амалий йўналишларида излана бошлади, олимлар билан боғланди. Бригада қошида тажриба майдони ташкил этди. Карам, бодринг, помидорларнинг янги навларини синашга киришди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бугунги кунда вилоятда кўпдан-кўп деҳқонларнинг даласидан мустаҳкам ўрин олган сабзавот навларининг барчаси айнан Усмонали ота далаларида ҳаётга йўлланма олган.

Бозор иқтисодиётига қадам қўйилгач, янги тизим мақсадларини тушуна олмаган айрим одамлар тўғри йўлдан бир оз тойдилар. Усмонали ота Қурбонов бошлиқ бригадада эса бунинг акси бўлди. Маҳсулот етиштириш, сотиш, даромад олиш барқарорлашди. Шу ўринда 1996 йил якунини келтириб ўтиш жоиз. Ҳар гектар ердан режадаги, 332 центнер ўрнига 535 центнердан ҳосил олинди. Тайёрлов идораларига 748 тонна ўрнига 1205 тонна маҳсулот жўнатилди. Рентабеллик 30 фоизга етди. Ҳар бир аъзонинг ўртача ойлик маоши 5100 сўмга тўғри келди.

Усмонали отанинг даласига ҳамма ҳавас билан қарайди. Одамларга яратиб берилаётган шароит -- хусусан, бепул иссиқ овқат, болалар боғчаси ва бошқа имтиёзларнинг қандай ташкил этаётганлиги ҳақида сўрашади.

-- Юртбошимизнинг куюнганича бор, -- дея жавоб беради ота. -- Ҳар биримиз ўзимизнинг юкимизни ўзимиз тортсак, ислоҳот кўзга кўринади. У кам, бу кам деган билан иш битмайди. Озгина ютуқдан қониқиш ҳосил қилган чоғимизда ўзимни бошқачароқ ҳис этаман.

Маълумки, андижонлик деҳқонлар плёнка остида пахта етиштириш бўйича янги технология яратдилар. Ғаллакорлар эришаётган ютуқлар барчани қувонтирмоқда. Бироқ боғдорчилик ва сабзавотчиликда ҳозирча сезиларли натижалар кўзга ташланмаяпти. Бунинг бош сабаби тармоқда ишловчиларнинг етарли тажриба ва кўникмага эга эмасликлари бўлса, иккинчи томондан ҳалиям қўл меҳнатига асосланганлигидир. Ўтган йили бир тонна помидор қайласи (томат пастаси)нинг баҳоси 900 АҚШ долларига тўғри келди. Усмонали отанинг эътироф этишча, бир гектар майдондаги ҳосилдан 3,5-4 минг долларлик помидор қайласи олиш мумкин.

Бундан ташқари уруғчилик масаласи ҳамон оқсаб турибди. Бултур эртаки карам деб тавсия этилган уруғ кечки чиқиб қолди. Эрта баҳорда сув, лой кечиб меҳнат қилган деҳқон алданиб қолди. Ҳосилнинг кўп қисми увол бўлиб, далада қолиб кетди.

-- Етарли имконият яратиб берилса, меҳнатига яраша рағбатлантириб борилса, халқимиз тошнинг устида гул ўстиради, -- дейди ота. -- Афсус, айрим ташкилотлар деҳқон кўнглини совитиб қўймоқда Назаримда консерва саноати ўз ўрнини йўқотиб қўйгандай. Саноатчилар хўжаликлардан, деҳқонлардан, аҳолидан қабул қилиб олган маҳсулотга ўз вақтида пул тўлаганларида аҳвол бутунлай бошқача бўларди. Бозорларимиз ҳам сабзавотга тўлиб, осмонга чиқиб кетган нарх-наво бирмунча пасаярди.

Ҳамма соҳада бўлгани каби деҳқончиликда ҳам ўз умрини яшаб бўлган эскича ишлаш услубларидан воз кечиб, янгиликка дадиллик билан қўл урган, керак бўлса таваккалчилик қилган кишиларгина ютади. Усмонали ота карам, бодринг, помидор, булғор қалампири, бақлажонни плёнка остида ўстирмоқда. Қўшни вилоятнинг Учқўрғон туманидаги таъмирлаш корхонасига борib, муҳандислар билан биргаликда махсус сеялка яратди. У синовдан муваффақиятли ўтди.

Шу кунларда Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Усмонали отага қарашли далаларида бўлган киши плёнка тўшалган майдонлардаги экинлар ривожини кўриб, «Иссиқхонасиз ҳам эртаки маҳсулот етиштирса бўлар экан-ку», дея деҳқоннинг омилкорлигига тан беради. Уч гектар майдондаги карам хосил ўрай бошлади. Икки ярим гектарга экилган бодринг ҳадемай гулга киради. 19 гектар ердаги помидор гунчалай бошлади.

-- Плёнканинг шарофати туфайли ҳосил очиқ даладагига қараганда 20-25 кун эрта пишади, — дейди ота пайкалларга ишора қилиб. -- Ўтган йили тажриба тариқасида 40 сотих ерга қўлбола плёнка тўшаб помидор кўчати ўтқазган эдик. Ёзнинг бошларида ҳар туп кўчатда ўртача 16 донадан етилмаган помидор санадик. Ўша пайтда ён томондаги оддий усулда экилган помидор эса энди қийғос гулга кирганди. Ўрталаги фарқ жуда катта. Беш сотихдаги карам аввалгига нисбатан тенгма-тенг кўп ҳосил берди. Очиқ даладаги карамнинг ҳар гектаридан 477 центнердан ҳосил олганлигимизни кўз олдимизга келтирсак, янгиликнинг сабзавотчиликда ҳам самараси беқиёс эканлиги равшан бўлади.

Бундан ташқари Усмонали ота бошлиқ жамоа 18 гектар майдонда буғдой ҳам етиштирмоқда. Ўтган йили гектаридан 62,5 центнердан сара дон олинган эди. Ҳосилнинг бир қисми сабзавоткорларга тақсимлаб берилди. Интизомга қаттиқ риоя қилган, пешона терлатиб ишлаганлар 900 килогача дон олдилар. Бу йил улар ҳосилдорликни 70 центнерга етказишмоқчи.

Яқиндан бошлаб ота етакчилигидаги бригада «Маладкор» деҳқон-фермер хўжалигига айлантирилди. Отахон ишни хўжаликда муҳандис бўлиб ишлаётган кенжа ўғли Фахриддинга топширди. Ўзи эса маслаҳатчи бўлиб қолди. Ота-ўғилнинг ниятлари жуда катта. Ўтган йили 22,5 гектар ердан 6 миллион 194 минг 440 сўм даромад олинган бўлса, бу йил уни камида 10 миллион сўмга етказишмоқчи. Бошқача айтганда, бир гектар ердан 300 минг сўмдан ошириб даромад қилинади. Шунда ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик иш ҳақи етти минг сўмданга тўғри келади.

Усмонали ота Қурбонов бошлаган янги тажриба сабзавотчиликда кенг оммалашиб кетиши шубҳасиз. Республика Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги яқинда бу деҳқон-фермер хўжалигини сабзавотчиликда янги технологияни қўллаш бўйича тажриба базасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: ота-бола Қурбоновлар; экиш пайти.

Х. АРАББОЕВ тасвирга олган.

КИМ КИМГА МУҲТОЖ?!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўш, Россиянинг Ўзбекистонда қандай иқтисодий манфаатлари бўлиши мумкин? Улар талайгина. Халқ хўжалигининг деярли барча асосий тармоқларида бундай манфаатларни кўриш мумкин. Мулоҳазамизни саноатдан бошлай қолайлик.

90-йилларнинг бошида республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида, аввало, собиқ Иттифоқ вазирлик ва маҳкамаларига бўйсунувчи бирлашма ва корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар 30 фоизга етиб, Иттифоқ-республика вазирлик ва маҳкамаларига қарашли корхона ва бирлашмаларда эса 54 фоиз саноат маҳсулоти тайёрланганди. Иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа республикалардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол молларига боғлиқлиги кучайди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларга боғлиқлиги ўз навбатида якунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятининг ҳаддан ташқари ошувига, маҳаллий машинасозлик ва бошқа базис соҳаларининг заиф бўлиб қолишига олиб келди.

Тўғри, Ўзбекистонда барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозликнинг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмасди. Аммо ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг бундай бир томонлама характери марказни тўла қаноатлантирар эди. Чунки саноати ривожланган районларда ишлаб чиқариладиган катта миқдордаги тайёр маҳсулотларни сотиш учун катта-катта бозорлар зарур эди. Ўзбекистон ва бошқа миллий республикалар эса ана шундай муҳтож бозорлар ҳисобланарди. Мана, нима учун ташқаридан маҳсулот киритишнинг асосий йўналиши саноат асбоб-ускуналари, технология, фантехника натижалари бўлиб келди?

Иттифоқ аҳамиятига молик вазирлик ва маҳкамаларнинг эътибори биринчи навбатда ўлка тоғ-саноат мажмуини ривожлантиришга қаратилгани ҳам тасодифий эмасди. Савол туғилади: нега қисқа вақт ичида Ангрен, Олмалиқ, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ва бошқа шаҳарлар бунёд этилиб, уларда қурилган саноат корхоналари марказдан кўчирма қилинган ишчи ва мутахассислар ҳисобига таъминланди? Чунки бу жойларда нодир ва ноёб металлар сероб эди. Газ ва нефтни қўйиб турайлик, стратегик минерал хомашёларнинг ўзи ҳам етарли эди. Ўзбекистон узоқ вақт собиқ СССРнинг олтин-валюта заҳираларини тўлдириб келди.

Оппонентларимиз «Ҳозир олтин нодир металл сифатида ўзининг илгариги ўрнини йўқотган, олтин-валюта заҳираларида унинг миқдори фақат маълум фоизнигина ташкил этиши мумкин, пулдаги олтин стандарти бекор қилинган, тиббиёт ва зергарликда ҳам унинг ўрнини босадиган ҳийла арзонроқ ашёлар топилган, шунинг учун фақат олтин билан узоққа бориб бўлмайди», дейишлари мумкин. Хўп, уларнинг фикрини қабул қилдик ҳам, дейлик. Аммо, биринчидан, олтиннинг тўлов воситаларидан бири ва халқаро инвестициялар учун гаров эканлигини ҳали ҳеч ким бекор қилгани йўқ. Иккинчидан, олтин ва бошқа нодир металлар қўлланиладиган янги соҳалар вужудга келмоқда. Биргина атом реактори учун ўнлаб килограмм соф олтин зарурлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя эмасми?

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўхталадиган бўлсак, узоқ замонлардан бери пахта, ипак толаси ва жун Россия саноатининг «нони» бўлиб келганлиги маълум. Масалани янада равшанлаштириш учун мозийга қайтайлик. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мусулмон дунёсида маданий инқирознинг кучайиши ва Европа саноати қўлининг узил-кесил устун келиши туфайли шундай ҳолат қарор топдики, оқибатда барча Шарқ мамлакатларида -- Мисрдан то Ҳиндистонгача пахта хомашё сифатида четга чиқарилиб, Ғарбий Европа саноатида тубдан қайта ишланиб, газламага айлантириладиган бўлди. Туркистондан пахта, асосан, Россияга юборилади. Академик В. Бартольд маълумотларига кўра, XVIII асрда бир фунт пахта хомашёсининг нархи 10-15 тийин, пахта калавасиники эса 30-40 тийин бўлган. Бу нарх ва нисбат XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни, руслар Туркистонни босиб олгандан кейин ҳам сақланиб қолди. Қизиғи шундаки, ўлкада пахта хомашёси етиштирилиб, кейин рус саноатида қайта ишланиши уч юз йиллик тарихга эга бўлса-да, бу тажриба то мустақилликгача давом этиб келди.

Рус тўқимачилик саноатининг Туркистон пахтасини истеъмол қилиши фақат 1886-1914 йилларда 42 марта, пахта экин майдонлари эса 45,2 карра ошиб, жами 600 минг гектарга етди. Ўша йиллардаёқ Фарғона водийси пахтачиликнинг муҳим райони сифатида алоҳида ажралиб чиқди. Бу ерда бутун ўлка пахта майдонининг 65 фоизи жойлашганди. Сугориладиган майдонларнинг 75 фоизидан 100 фоизигача шу экин билан банд эди. Водийда пахта яккаҳокимлиги (монокультураси) худди ана шу йилларда қарор топди.

Бир вақтлар Туркистон ўзининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириб, четга ғалла ҳам чиқарарди. Аммо пахта билан банд бўлган майдонларнинг нафақат мутлақ, шу билан бирга, нисбий ўсиши натижасида бу ўлка тақчил нон баланси районига айланиб қолди. 1927-28 йилларда Ўрта Осиёга ташқаридан нон келтириш 560 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1932-33 йилларда 820 минг тоннага етди. Яъни, беш йил ичида қарайиб 1,5 марта ўсди. Агар инқилобгача республикамизда сугориладиган экин майдонларининг ярмини ғалла эгаллаган бўлса, 1929 йилда бу кўрсаткич 40 фоизга тушди. Тожикистонда 77,4 фоиздан 51,9 фоизга, Туркманистонда 58,4 фоиз дан 49,5 фоизга, бутун Ўрта Осиё бўйича эса 58,3 фоиздан 47,4 фоизга пасайди. Шу вақтнинг ўзида пахта билан банд бўлган экин майдонлари 27,7 фоиздан 39,2 фоизга, Тожикистонда деярли уч марта, Туркманистонда 25 фоиздан 34,4 фоизга, Қирғизистонда 6,4 фоиздан 10,4 фоизга ўсди. Шу билан бирга, полиз, боғ ва узумзорлар билан банд бўлган майдонларни кенгайтириш имкониятлари ҳам чекланиб борди.

Пахта хомашёсини асосий ҳажми (90 фоиздан зиёдроқ) Ўзбекистон ташқарисида қайта ишланиши, нон маҳсулотларининг асосий қисмини четдан келтирилиши республикани бошқа минтақаларга қарам қилиб қўйди. Пахта монокультурасининг ўрнатилиши эса аҳолини ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқлаштирди.

Бу сиёсат мустақилликкача бўлган йилларда ҳам давом этди. Ўлкада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг хомашё ва ундирувчи тармоқларини ривожлантиришга зўр берилди. Қишлоқ хўжалиги экинлари орасида пахта ва ғалла ўрин алмашди. Пахта майдонлари барча экин майдонининг ярмидан кўпроғини, агросаноат мажмуида эса 73-75 фоизни ташкил этди. Ғалланинг ҳиссаси эса 20 фоизга тушиб қолди. Юқорида келтирилган мисоллардан бироз бўлсада масала равшанлашади: бундай салкам текин луқмани ким ҳам осонгина қўлдан чиқариб юборарди?

Кейинги вақтларда Россияда жонланиб қолган «катта оғалик» ҳаракати аслида анча илгарироқ бошланиши мумкин эди. Аммо бунга мамлакатдаги ички қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, Чечен уруши ҳалал бериб келди. Буларнинг бориши кўпчиликни шу масаладан чалғитди.

Мана, ниҳоят интеграция ғояси ўртага ташланди. Ҳушёр фикрлайдиган сиёсатшунослар, иқтисодчилар Россия-Белорусь иттифоқидан ҳозир ҳам тааж-жубда. Ҳақиқатан ҳам, интеграция барча бало-қазолардан қутқазадиган сеҳрли таёқча бўлмаса-да, ҳар ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳийла юқори самарали шаклидир. Бу -- бор гап. Унда тааж-жубга не ҳожат? Гап шундаки, интеграциянинг асосий принципларидан бири интеграциялашувчи бўлаклар (мамлакатлар) тараққиёт даражасининг бараварлиги, ҳеч бўлмаганда бир-бирига яқинлигидир. Европа ҳамжамиятига кирувчи мамлакатларда барча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича бараварлик ва яқинлик мавжуд. Россия ва Белоруснинг иқтисодий тараққиёт даражаси ўртасида эса катта тафовутлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда (АҚШ долларида), ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Россияда Белорусга нисбатан деярли бир ярим баробар юқори.

«Дўстлик фақат тенглар ўртасида бўлиши мумкин», -- деган эди улуғ Афлотун милоддан илгари. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу икки давлат ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, шошма-шошарлик билан интеграция жараёнини обрўсизлантирмаслик керак, деди. Ҳатто Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам улар ўртасидаги фарққа эътиборини қаратди. Лекин барибир, «иккилар иттифоқи» имзоланди. Бундан манфаатдор доиралар ва кучлар борлиги аниқ. Акс ҳолда, бу ҳодиса демократларни ҳам, коммунистларни ҳам, либерал-демократларни ҳам бирдек қаноатлантирмас эди.

Россия-Белорусь иттифоқи ҳали СССРни тиклаш умидини батамом узмаган кимсалар қалбини яна бир «қитиқлаш» эмасмикин? Қуллик кайфияти -- ёмон нарса. Тарихда қулликдан озод этилиб, «Тўрт томонинг қибла, кетавер!» деганларида ҳам, айрим қулларнинг ўз хожаси олдида тиз чўкиб, «Йўқ, хўжайин, бизни озод этманг, биз кета олмаймиз, агар сиздан кетсак, хонавайрон бўламиз, очликдан ўламиз», дея илтижо қилганлари ҳақида ўқиганмиз. Бу сиёсат ана шундай қулсифат кишиларга мўлжалланган эмасмикин? Ҳар ҳолда, Россия матбуотида ёзилаётганидек, бу иттифоққа икки давлат раҳбарининг имзо чекиши ғарбчилар ва славянофиллар сиёсий оқимлари ўртасидаги тортишувда ҳозирча иккинчи оқим қўлининг баланд келиши қабилида жўнгина изоҳланишини жиддий ҳолат, деб бўлмайди. Аммо бу Москвадаги геополитика, геостратегия ва сиёсатшунослик билан шуғулланадиган ўнлаб илмий марказ ва идораларнинг хулоса ва тавсияси эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Илгариги замонда бундай тавсиялар Петербург университети Шарқ тиллари факультети ва рус география жамияти томонидан тайёрланарди. Ўрта Осиёга юборилади ган ҳар бир киши -- генерал губернатордан тортиб рота командиригача -- бу икки марказ тайёргарлигидан ўтар, маҳаллий аҳолининг тарихи, маданияти, урф-одатлари билан таништирилар эди. Шунинг учун ҳам, улар большевик комиссарлар ва «Кремль десантчилари»дан фарқли ўлароқ, ҳийла узоқни кўзлаб иш тутарди. Туб аҳолининг дину эътиқоди, шариат бўйича судлов ишларига мутлақо аралашмас, шу йўл билан мустамлакачиликнинг умрини узайтиришга ҳаракат қиларди. Уларнинг назарида «абориген»ларнинг нафсониятига тегиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Ҳозирги кунда Россия матбуотида Ўзбекистон тўғрисида берилаётган айрим нообъектив, баъзи ҳолларда эса ҳақоратомуз мақолаларни ўқирканмиз, беихтиёр изтиробга тушамиз, у ёки бу муаллифдан, газетадан хафа бўламиз. Бундай ҳолларда нари борса ийманибгина ўз матбуотимиз саҳифаларида уларга жавоб берган бўламиз. Кўпинча унинг замирида катта сиёсат ётганини, бу сиёсатнинг илдизи анча узоққа бориб тақалишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Келинг, яна бир бор мозийга қайтайлик.

XVI--XVII асрларга келиб, Туркистон ва Россия ўртасида савдо алоқалари анча кучайди. Маълумки, ушбу икки ўлканинг иқтисодий муносабатлари анча илгарироқ бошланган эди. 1464 йили Ҳиротда темурий Абусаид биринчи рус элчиларини қабул қилади. Бу даврда савдо алоқаларининг янада кучайишига вужудга келаётган савдо капитализми катта таъсир кўрсатаётганди. Бу муносабатлар эса буюк жуғрофий кашфиётлардан кейинги дастлабки савдо алоқалари эканлиги ҳисобга олинса, унинг аҳамияти ҳар икки томон учун ҳам беқиёслиги англашилади.

XVI--XVII асрларда Туркистондан Россияга юборилади ган асосий экспорт моллари ипак, ип-газламалардан иборат эди. Россиядан Туркистонга эса сукно, балиқ суяги, мўйна, тери, ёғоч идишлар, игна, турли тўғнағичлар келарди. Мол айирбошлаш ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ички бозорларини истеъмол моллари билан таъминлашда катта ўрин тутар эди. Лекин шунга қарамасдан, рус шарқшунослари «Бу савдо биз учун зарарли эди», қандай турдаги молларни келтириш ҳақидаги мурожаатларни эса «доимий тиламчилик», «уларнинг қуруқ таклифлари» деб, атайдилар. Масалан, профессор Н. И. Веселовский «Ўрта Осиё элчиларининг юрагидаги бош мақсади биздан ҳадяларни ундириш эди», деб ёзади.

Модомики Туркистон билан бўладиган савдо, рус шарқшунос олимлари ёзганидек, «зарарли» бўлса, нима учун Россия бунга катта эътибор берарди? Гап шундаки, бу алоқалар нафақат савдо-тижорат бўйича, балки жуда муҳим стратегик ва транзит жиҳатдан аҳамиятга молик эди. XVI асрга келиб, рус мустамлакасининг ҳудуди Урал, Тоболь ва Иртишгача етиб келганди. Бухоро ва Хива билан дипломатик ва савдо алоқаларининг ўрнатилиши эса, аввало, ўртоқлашган рус ҳудудларига бўладиган тажовузлардан бир қадар кафолатларди. Иккинчидан, Москвани келгусида Ҳиндистонга ўтадиган транзит йўли сифатида кўпроқ Бухоро ва Хива қизиқтирарди. Бу жиҳатдан қараганда Н. И. Веселовскийнинг «Бу савдо бизга қараганда Ўрта Осиё учун зарур эди», деб таъкидлаши ишончсиз туюлади. Бу аслида рус босқинчилик мақсадларини хаспўшлаш учун қилинган йўл эди, десак, тўғрироқ бўларди.

Кўпчилик рус шарқшунослари Туркистонга тенг ҳамкор сифатида эмас, балки анча юқоридан, димоғдорлик билан ва ҳатто ишончсизлик билан қарашади. Профессор С. В. Жуковскийнинг ёзишича, Хивага кираверишда Хохлов бошчилигидаги элчилар гўё ҳибсга олиниб, улар ўлим жазоси билан қўрқитилиб, сиқувларга дучор қилиниб, шундан кейингина улардан ҳадялар ундириб олинган эмиш. Бухоро хонига юборилган лочинларни талашиб, хиваликлар ўртасида муштлашув рўй берган эмиш. Ўша манбада, шунингдек, Абдулғозихоннинг буйруғи билан 1646 йилда рус савдогарлари таланди, улардан 10257 сўмлик мол ўзлаштирилди, 1654 йилда эса иккинчи марта 2765 сўм миқдорида пул тортиб олинди, деб кўрсатилиши ҳаммасидан ҳам ошиб кетади. Сезаяпсизми, машҳур «Турклар шажараси» муаллифи, ўз даврининг ўта маърифатли ва зукко давлат бошлиғи ҳамда унинг салтанати оддий қароқчи тўдаларига тенглаштирилмоқда. Бундан бўлажак босқинчилик учун ҳар хил «далиллар» билан асос яратиш зарур бўлганини англаш қийин эмас.

Шундай бўлгач, Туркистонни босиб олишда иштирок этган рус солдатларининг қарияларни, гўдакларни ва хотин-халажларни найзаларга илганларини ўз кўзи билан кўрган ва бундай хунрезликларда қатнашган рус рассоми В. В. Верешчагиннинг маҳаллий аҳолини ҳақоратомуз тасвирлаганига ажабланмаса ҳам бўлади. Мана энди тоталитаризмдан кўп азиятлар чеккан ёзувчи А. Солженицин «Россияни қандай қилиб тузатиш керак?» номли китобчасида ўтган йиллар давомида Россия ўз ҳаёт шарбатларини миллий республикаларга бериб келди деб, бизни боқимандаликда айблашига, бошқа бир жойда эса Марказий Осиёни инсоннинг кераксиз аъзосига қиёслашини ҳам тасодиф, деб ҳисобламаса бўлади. Ўзининг шовинистик қарашларини яшира олмайдиган яна бир рус рассоми И. Глазуновнинг ундан қолишмай, миллий республикаларни ношукурликда айблашига ҳам, «ўзбеклар иши», «пахта можароси» каби миллатнинг иззат нафсига тегадиган уйдирмаларнинг тўқиб чиқарилганига ҳам ҳайрон қолмасак бўлади. Лекин шу ўринда табиий бир савол туғилади: агар бизнинг уларга керагимиз бўлмаса, унда ҳамиятимизга тегишнинг нима кераги бор?

Яна бир гап. Совет академиги, марҳум тарихчи Ю. Бромлей бош муҳаррирлигида чоп этилган «Жаҳон халқлари тарихий-этнографик маълумотномаси»ни олиб кўрайлик. Ундаги ўзбеклар, қозоқлар ва қирғизларга оид бўлимларни солиштириб кўрадиган бўлсак, улар ўртасида ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан катта тафовутларни пайқаш қийин эмас, айниқса, кейинги икки халқ ҳақидаги очерклар алоҳида муҳаббат, ҳурмат билан ёзилган. Нима учун шундай? Чунки бу бўлимлар ўша халқ олимлари томонидан ёзилган. Токи ўзимизнинг тарихимизни ўзимиз яратмас эканмиз, ўтмишимиз, маданиятимиз ва урф-одатларимизни камситиш, соҳталаштириш давом этаверади.

Энди бошқа хулосаларни баён этишни муҳтарам газетхонларнинг ихтиёрига қолдирсак-да, фикримизни жаҳон мутафаккирларининг ушбу сатрлари билан якунласак. Француз тарихчиси Алексис де Токвиль бундай деб ёзган эди: «Америка -- адолатли мамлакат. Агар Америка қачонлардир адолатли бўлмай қолса, у буюк ҳам бўлмай қолади». Россия Америка каби буюк мамлакат бўлишни истамаслиги мумкин эмас, албатта. Лекин «улуғворлик ва тубанлик алоқага киришган жойда мувозанат йўқолади» деган калима ҳам борки, бу хитойлик мутафаккир Лао Цзи қаламига мансубдир.

Нурислом ТЎХЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.



Косонсой тумани йилдан-йилга кўркамлашиб бормоқда. Кейинги пайтларда бу ерда кўплаб янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларида тумандаги 355-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари фаол иштирок этишмоқда.

СУРАТДА: қурувчи уста Умархон Сиддиқов.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ тасвирга олган.

БИРОРТАЯМ ТАНҚИД НАТИЖАСИЗ ҚОЛМАЙДИ

«ФОЙДАДАН ЗИЁНИ КЎП»

(Халқ сўзи», 1997 йил 15 март)

Мазкур сарлавҳали танқидий мақолада Бўз туманида суғориладиган ерларнинг умри бекор ўтаётгани, деҳқонлар меҳнати ҳавога совирилаётгани хусусида фикр юритилган эди. Мақола юзасидан қуйидаги жавоб келди:

Картошка етиштиришда ўтган йили йўл қўйилган жиддий камчиликлар, нуқсонлар чуқур таҳлил этилди, айбдор раҳбар ва мутахассисларга нисбатан эса тегишли чоралар кўрилди.

Жумладан, «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Х. Бегматов шу лавозимда яқиндан бери ишлаётганлиги ҳисобга олиниб, унга қаттиқ ҳайфсан берилди. Агар бундай камчиликлар яна такрорланса, эгаллаб турган лавозимидан четлатилиши кўрсатиб ўтилди. Шу жамоа хўжалиги бош ҳосилоти Мамадали Нишонбоев ўз вазифасидан бўшатилди.

Ю. Шодмонов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Аҳмаджонов ва бош ҳосилоти Р. Маъруфов бошқа лавозимга ўтказилди. М. Жалолов номидаги ширкатлар уюшмаси бош ҳисобчиси А. Камоловга қаттиқ ҳайфсан берилди.

Бўз тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М. Аҳмадалиев ва бошқарма бош ҳисобчиси М. Отақўзиевлар картошка етиштириш, шунингдек, унинг таннархи устидан етарли назорат ўрнатмаганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилди.

Туман ҳокимлиги қишлоқ хўжалигига мутасадди корхона, ташкилот ва хўжаликлар раҳбарлари, мутахассислари эътиборини картошкачиликдаги мавжуд камчиликлардан зарур хулосалар чиқариб, жорий йилда картошкадан мўл ҳосил етиштиришга қаратди.

А. ЎРИНБОЕВ,
Бўз тумани ҳокими.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ВА УНИНГ РИВОЖИ

Нукусда «Қорақалпоғистон Республикасида акциялаш ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлди. Уни «Консаудитинформ» агентлиги ташкил этди. Семинар ишида шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, акционерлик жамиятларининг раҳбарлари, бош бухгалтерлар, молия хизмати мутахассислари иштирок этди.

Семинарда қилинган маърузаларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Семинар иштирокчилари «Консаудитинформ» агентлигининг фаолияти, Қорақалпоғистонда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни қандай бораётгани, унинг қандай амал қилиши билан танишдилар. Миллий депозитарийнинг қимматли қоғозларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва уларнинг ҳаракатига доир ишлари кўриб чиқилди. ХИФлар фаолиятини ташкил этиш ҳисобига сармоя солиш имкониятларини кенгайтириш зарурлиги тўғрисида ҳам гап борди.

(ЎзА).

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

МУЗОКАРАЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН. БИРОҚ...

ВАШИНГТОН. Ўтган йили АҚШ ҳукуматининг Кубага нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаш ҳақидаги Хэлмис-Бертон қонунини қабул қилиши халқаро ҳамжамият томонидан рағбат топмаган эди.

Мазкур қонунни, айниқса, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Канада ҳукумати қаттиқ қоралагани маълум. Ниҳоят, Канада ҳукумати бу борада АҚШ ҳамда ЕИ ўртасидаги музокараларда иштирок этиши мумкинлигини баён этди.

Канада ташқи ишлар вазири Ллойд Эксуорснинг таъкидлашича, агар Оқ уй мамурияти қонуннинг Куба билан ҳамкорлик қилаётган Канада компанияларига нисбатан жазо чораларини қўллаш бандини бекор қилса, мамлакат ушбу музокараларда иштирок этади.

ҲАРАКАТЛАР ЗОЕ КЕТЯПТИ

ЛИМА. Перу пойтахтидаги Япония элчиси қароргоҳида Тупака Амару номидаги инқилобий ҳаракат аъзолари томонидан 72 нафар киши гаровга олинганига роппа-роса тўрт ой тўлди.

Лекин шу пайтга қадар ушбу инқирозни бартараф этиш борасида ўтказилган барча музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Ҳатто, халқаро кафолат гуруҳи аъзоларининг вазиятни юмшатишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлари ҳам зое кетяпти. Энг сўнгги маълумотларга кўра, террорчилар гаровдаги Лима полицияси полковниги Альберто Кастилиога туғилган куни сабабли оила аъзолари билан суҳбатлашишга рухсат берган. А. Кастилио қароргоҳ яқинига келган оила аъзолари билан мегафон орқали уч минут давомида суҳбатлашди.

СИЁСИЙ ОБРЎСИ ХАВФ ОСТИДА

ТЕЛ-АВИВ. Исроил Бош вазири Биньямин Нетаньяхунинг сиёсий обрўси ва тақдири хавф остида қолди. У ўз мансабини суиистеъмол қилишда айбланмоқда.

Мамлакат полицияси Бош вазир ишини прокуратурага оширишга қарор қилди. Чунки Б. Нетаньяху анчадан буён давом этиб келаётган мамлакат тарихидаги энг йирик ҳукумат можаросида алоқадорликда айбланмоқда.

Бельгия кўчаларида.

Маълум бўлишича, Исроил ҳукумати раҳбари Шас партияси раҳнамоси Арие Дерининг таъсири билан оддий адвокат Рони Бар-Онни ҳукуматнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси этиб тайинлаган. Шас партияси эса ушбу келишув эвазига Хеврон масаласида Бош вазирни қўллаб-қувватлашини билдирган. Айни пайтда, Б. Нетаньяхудан ташқари яна 60 нафардан зиёд ҳукумат вакили ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан сўроқ қилинди.

БЕШТА «БОИНГ-777» САМОЛЁТИНИ СОТИБ ОЛАДИ

Хитой яқин кунларда бешта «Боинг--777» русумидаги йирик йўловчи ҳаво кемасини сотиб оладиган бўлди. Ушбу мамлакат миллий авиакомпанияси билан Американинг «Боинг» корпорацияси ўртасида куни кеча шу ҳақдаги шартнома имзоланди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, шартноманинг умумий баҳоси 685 миллион АҚШ долларига тенгдир.

«Боинг» компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, Хитой кейинги 20 йил ичида умумий баҳоси 100 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган яна 1900 та самолёт сотиб олади.

(ЎзА).



МУҚАДДАС БУРЧ

Абдураҳмон ҳожи РАҲМАТУЛЛАЕВ, республика мусулмонлари диний идораси муҳтасиблик бўлими мудири:

-- Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм.

Мана, баҳорнинг чароғон кунларида мамлакатимиздаги барча мўъмин-мусулмонлар улуғ айём -- ийди Қурбон ҳайитини эзгу ниятлар ила қаршилашмоқда. Ҳар бир одамнинг чеҳрасида шоду хуррамлик, шукроналик ҳислари сезилмоқда. Бу кеча саҳарда мингминглаб кишиларимиз зиммаларидаги муқаддас бурчлари измида масжидларга боришиб, ҳайит намозини адо этишди. Барча эзгу ниятлар мустажоб бўлгучи ушбу табаррук кунда улар Яратгандан ўзларига соғлик-саломатлик, эзгулик, эл-юртга фаровонлик ва ҳур Ватанимизнинг порлоқ келажагини тилаб ибодат қилдилар. Зотан, мустаҳкам эътиқод, дини Исломга ҳурмат фазилатлари бизга буюк аждодларимиздан мерос бўлиб, халқимиз руҳиятига теран сингиб кетгандир.

Ўзингизга маълум, собиқ шўролар замонида бизнинг динимиз қаттиқ таъқиқланган эди. Ўша чоғлар ҳайит кунларини умумхалқ миқёсида нишонлаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, истиқлол шарофати ила биз эътиқод эркинлигига эришдик. Ҳурматли юртбошимиз раҳбарликларида ҳукуматимиз муқаддас динимиз ривожи йўлида жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Мисол учун, эски тузум даврида Ўзбекистонда атиги 86 та масжид бўлган бўлса, кейинги бешолти йил ичида масжид-мадрасаларимизнинг сони беш мингга етди. Ёхуд, ўша замонлар саноқлигина ҳамюртларимиз минг чиғириқдан ўтиб Ҳаж зиёратини адо этишга муваффақ бўлишган. Эндиликда ҳар гал минглаб кишилар бундай имкониятга эгадирлар. Жумладан, бу галги Қурбон ҳайити арафасида ҳам уч ярим минг нафар ўзбекистонлик мусулмонлар Маккаи-Мадинага сафар қилишган. Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидламоқ керакки, бундай хайрли ишларни амалга оширишда давлатимиз улкан ғамхўрлик кўрсатмоқда. Хусусан, Ҳажга борувчиларга ҳукумат қарори билан бир қатор моддий ва маънавий қулайликлар яратиб берилаётганлиги, ушбу масала давлат аҳамиятига кўтарилганлиги фикримизнинг исботидир.

Ўз навбатида, биз -- дин аҳллари ҳам ҳамиша одамларни яхшилик, эзгулик, юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида фидойи бўлишга ундаймиз. Ҳар жумъа намозларида имом ҳатибларимиз мустақилликнинг буюк аҳамиятини халқ онгига янада чуқурроқ сингдириш, ёшларни тўғри тарбиялаш каби муҳим мавзуларда амри маъруф қилишади. Фурсатдан фойдаланиб, мен мамлакатимизнинг барча мўъмин-мусулмонларини ийди Қурбон ҳайити билан муборакбод этаман. Ушбу улуғ кун ўзининг файзу барокоти билан барчамизга бахт-саодат ато этсин. Аллоҳ таоло барчамизга мана шундай табаррук айёмларнинг яна кўп бор шоҳиди бўлишни насиб этсин. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ.

Қибрай туманидаги «Дўрмон» жамоа хўжалигига қарашли «Иссиқхона» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида 5 гектару 35 сотих ерда помидор, лимон ва турли кўкатлар етиштирилади. «Иссиқхона» жамоасининг жонбозлиги сабаб мева ва сабзавотлар қишин-ёзин эл дастурхонига етазиб берилмоқда.

СУРАТДА: жамоа хўжалиги аъзолари.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ тасвирга олган.

ТАДБИРКОР

ҲАЛОЛИ БЎЛСИН

... Тўғриси, бизда мулкдорлар синфини, деҳқон-фермерларни шакллантириш дастлаб қийин кечди. Умри давомида давлат корхонасида, давлат назорати остида ишлаган, онги, шуури »берсанг ейман» қабилида қотган фуқаро учун эркин фаолият ғайритабиий туюларди. Чунки мустақиллик ва иқтисодий ислохотларга қадар «якка фаолият» ва »эркин фаолият» юритиш жиноий иш каби қабул қилинарди.

Шунинг таъсири ўлароқ, одамлар бировга қарам бўлса-да, иложи борича масъулиятдан ийроқ кун кечиришга ўргандилар. Яъни, боқимандалик кайфияти илдиз отиб кетди.

Яқинда «Қизилтепа» туманидаги «Варозун» жамоа хўжалиги раиси Абдумалик Тоғаев шунга алоқадор воқеани сўзлаб берди:

— Фермерлик ҳаракати энди бошланган кезлар эди. Янгиликни одамларимиз қабул қилиша олмади. Буёғи қандоқ бўлишини улар билишмасди. Шундан сўнг қўлидан келадиган тўрт-беш кишини идорага йиғиб, тушунтирдик. Аввалига унашмади. «Пулниям, молниям топиб берамиз, сизлар сал жонлантириб, фойдасини одамларга кўрсатинглар», деб аранг кўндирдик. Ҳар бирига 15 тадан 30 тагача мол, пул, техника бериб, иш бошланди. Ўшанда сўм-купон муомалада эди чоғи. Бир йил ўтиб, айрим фермерларимиз битта-иккита молни сотиш билан қарзини узди-қўйди. Ўзимиз тузган фермер хўжаликларининг айримлари «ҳай-ҳай» лашимизга қарамай, қарзини тўлади-да, қолган қорамол фойдага қолди деб фаолиятини тўхтатиб туриб олди. Энди эса улар «бекор қилибман» деб оҳ уриб юришибди. Қолганлари эса ривож топиб кетди.

Юқорида зикр этилган воқеа аҳамиятсиздек туюлса-да, одамларимизнинг уч-тўрт йил олдинги тафаккури, дунёқараши ҳақида тушунча ҳосил қилишга етади. Раис таъкидлаганидек, бундан беш-олти йил олдин ташкил этилган деҳқон (фермер) хўжаликларидан масалан, «Шавкат» фаолият кўрсатмоқда. Қўрқмай айтиш мумкинки, хўжалик ўзини анча тутиб олди, ҳамёни ҳам шунга яраша.

«Шавкат»нинг ҳисоб рақамида ҳозир 70 минг сўм маблағи бор. Бу катта пул эмас. Нари борса, шалоғи чиққан битта машина олиш мумкин. Лекин фермерлар ишни қарздан бошлаганини ҳам унутмаслик лозим. Уларнинг қорамоллари ҳозир 110 тага етган. Илгари экин-тикин ва бошқа ташвишлар учун техникани хўжаликдан олишарди. Эндиликда бир эмас, иккита шахсий тракторлари бор. Дастлаб дурустроқ молхона қуриш ташвиши бор эди. Ҳозир эса 100 бош қорамолга мўлжалланган чорвачилик мажмуи бор. Аввал улар жамоа хўжалигидан қарздор бўлса, ҳозир бир эмас, тўрт хўжаликнинг улардан «тили қисиқ».

Табиийки, улар бу натижаларга меҳнат ва тадбиркорлик билан эришдилар. Айтайлик, олти ой ёз ялло қилиб юрганлар наздида фермерлар Оллоҳ берган неъматларнинг уларга аталганини ҳам олиб қўяётгандек туюлади. Билишмайдики, «Шавкат»дагилар барибир бойийверишади. Сабаби — улар ёз бўйи икки қайта маккажўхори, картошка экишади. Маккининг донини уруғликка, кўкини силосга бостирадилар. Тумандаги тўртта хўжаликка уруғлик сотишибди. Қўйинг-ки, фермерлар ҳар бир ишни эринмай, маромига етказишади. Тўкинчилик шундан-да.

Саҳоват борга ярашади, деганларидек фермерлар хўжаликдаги икки боғчага ҳар куни 50 литр сутни бепул берадилар. Шаҳарда литри 20 сўм бўлгач, ҳар куни минг сўм деган гап бу. Ундан ташқари байрам ва маъракa кунлари қишлоқ аҳлига бозордагидан анча арзон гўшт сотадилар. Хўжликдаги уруш қатнашчилари ва ногиронлар учун чорвабоп озуқа бепул.

Қаранг, ҳадиксираш, туртки билан бошланган иш бугун шундай самаралар бераяпти. Аслида ақл бўлмаса, туртган ақл не қилғай, деган нақл бор. Халқ йиллаб бошдан ўтказиб, лўндасини айтади. Яқинда 100х100 метрлик ҳовуз қуришиб, балиқ келтириб ташлашибди. Паррандаям олиб келишган. Икковидан бирови фойда берар, дейди улар. Ҳа, дарвоқе, фермер хўжаликлари астойдил интилса, тадбиркорлик билан иш тутса асло кам бўлмайди. Биз уларга ҳалоли бўлсин дегимиз келади.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КЎЗГУДАГИ ОЙДИНЛИК

Якин ўтмиш, аниқроғи, шўролар замони таъбир жоиз бўлса, кора чаплаб ташланган... кўзгуга ўхшарди. Сиз қаршингизда турган бу каттакон тошойнага ҳарчанд тикилманг, на ён-атрофни ва на ўзингизни тузукроқ кўра олардингиз. Тағин тарих ғилдираги айланиб-айланиб, мана, бир неча йилдирки, биз кора доғларни-да, «ювиб» юборган баҳайбат, аммо чароғон кўзгудан атрофга, энг муҳими, аҳвол -- руҳиятимизга теран назар солиб, хайриятки (!), ўзлигимизни танияпмиз.

Юртдошларимиз ҳар сафар яхши ният ва хуш кайфият билан пешвоз чикадиган иймон-эътикод рамзи бўлмиш исломий маросим -- Қурбон ҳайити ўша ойдин кўзгуда акслнаётган эркимиз маҳсулининг бир заррасидир. Хўш, ана шу тиниқ кўзгуга тикилганча яшаб, юрт кучоғида таълим олаётган ёшлар айни муборак маросим кунлари нималар ҳакида ўйлаяптилар-у, кандайин хисларни бошдан кечираяптилар?

Зариф ҚУЛМУРОДОВ, II-Тошкент давлат тиббиёт институтининг IV-курс талабаси.

-- Республикамиз ҳукумати яратиб бераётган шароитлардан биз талабалар ҳам тўлақонли баҳраманд бўлаяпмиз. Шу ўринда мен мамлакатимизда кишиларнинг дин, эътиқод эркинлиги тўла кафолатлаб қўйилганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қурбон ҳайитини ўзимизга, яъни, талабаларга хос бир тарзда ўтказмоқчимиз. Бутун курсдошлар олдиндан шунга келишиб, ҳар бирлари топганларини ўртага қўйишди. Мана, кўриб турганингиздек, ҳамкурсларим машғулотлардан қайтибоқ ўтин ёриб, қозон ўрнатишга тадорик кўришаяпти. Ҳайит ошини дамлаймиз, бугунгиси эса сумалакнинг «югур-югури». Чунки субҳидамда сумалак «ҳил-ҳил» пишиб туриши керак-да. Биз тайёрлаган неъматлардан бошқалар ҳам тановул қилишса, бундан кўнглимиз шод бўлади, албатта. Бу ёғини сўрасангиз, ошпазу сумалакпазлар ҳам ўзимиздан.

Шуҳрат РУСТАМОВ, Тошкент давлат университети талабаси.

-- Отам баъзан «ҳе...Худо бизни шу кунларга етказганига шукр. Аввалари...» дея қизил империянинг халқимиз бошига солган турли кулфатларини паришон хотирлаб кетарди. Энди эса, вояга етиб, оқ-қорани таниганимдан сўнг кексаларнинг чукур «хўрсиниги» замирида ётган дарду аламнинг нелигини тушуниб олаяпман. Ахир, бир замонлар одамлар намоз ўқишу рўза тутишдан, ҳозиргидек Қурбон ҳайти маросимларини эмин-эркин адо этишдан маҳрум қилинган эдилар-да.

Дарҳақиқат, ушбу маросимда ҳар ким Яратган олдида ўз бандалик бурчини адо қилади. Кўнгилдаги яхши тилаклар ва эзгу орзулар дилдан тилга кўчади. Тангри эшитади, билади, кўриб туради. Муборак Қуръони Каримда айтилганидек, ҳеч бир сир яширин қолмас. Қутлуғ маросимда барчанинг тилаги рўёбга чиқсин.

«Халқ сўзи» мухбири О. ТЎРАҚУЛОВ ёзиб олди.

ОҚИБАТ ЭШИГИ ОЧИЛДИ

Эрталаб ишга чиқаётиб, дўкончада қўшни ўрис кампирга дуч келдим. Дўкондан сут олиб келаяпти. У мендан илгарироқ салом берди ва:

-- Ҳайит байрамингиз муборак бўлсин, -- деди чиройли қилиб.

Кампирнинг ажойиб сўзларидан ажабтовур бўлиб кетдим. Ташқарининг топ-тоза, тонги нурафшонлиги кўнглимни янада кўтарди. Бекатга етгунча, газет дўкони сотувчиси билан ҳам хушкайфиятда ҳол сўрашдик. Байрам табриги ўртада зиёда бўлди. Кейин, автобусда одамлар бир-бирини муборак кун билан қутлашаяпти... Биласизми, назаримда кишилар ботини ҳам бугун худди уст-бошлари каби тоза ва гўзалроқ эди.

Мен болалигимни эсладим; Онамиз ҳайит кунлари бошдан оёқ янги кийим кийгизарди. Бугун кир-чир юриш ёмон бўлади, дерди. Ҳар бир уйда қурбонлик учун бирор жондор сўйиларди. Қўни-қўшни бир-бирининг уйига меҳмонга ўтарди. Нега ҳамма бир варакайига қурбонлик қилишининг маъносини тушунмасдим. Кейин одамлар мачитга боришар, бутун қишлоқ бўйлаб дарвешона (хайри эҳсон) маросими бошланиб кетарди.

Мактаб байрамлари эса бошқачароқ ўтарди. Домлаларимиз Биринчи май байрамида янги, тоза оқ кўйлак, қора шим кийишимизни уқтиришарди. Сўнгра ҳаммамиз қўлимизда қип-қизил байроқчалар тутиб туман марказига йўл олардик. Қизил бўйинбоғларимиз ҳилпираб турарди. Мен ўша пайтлар байрамларни ўзимча ажратиб олгандим: мактаб домлалари қатнашмайдиган, совет ўқувчиси бориши мумкин бўлмаган айёмлар ҳамда горн ва барабанлар чалиб, ўқитувчиларимиз билан биргаликда ўтказадиган, одамлар «урра-урра»лаб бақирадиган шодиёналар...

Вақт ўтди. Мактабимиз байрамларининг (балки жамиятнинг) рамзий ифодаси саналган ушбу «матоҳ»лар энди керак бўлмай қолди. Бироқ халқ йиғилиб, боболаримиз ўзи билан бирга олиб чиққан мачитлардаги эски човгумлар ҳамон ўшандай турибди. Кекса тут шохларига илинган яловлар сақланяпти. Мозоротта элтувчи кичик кўприк дарз кетмаган. Мачит деразасидаги жилди униққан эски китоблар ҳамон жойида. Одамлар уларни эътиқод билан эъзозлайдилар. Бу ердаги ҳамма нарсани авайлайдилар.

Динидан айрилган миллатнинг таназзули ва йиқилиши осон кечади. Яратганга ишонмаслик, Оллоҳдан қўрқмаслик ҳиссини кўнглимизда аланга олдиришга уринган тузумнинг оёғи тойиб кетди. Одамлар кайфиятига яна ўз қадрини англаш, эътиқодига қўрқмай қайтиш тушунчаси сингиятти. Энг муҳими, давлат ва халқ орасида муштараклик пайдо бўлди. Энди ҳеч ким ўзганинг уйига кириб, сен бу ишни нотўғри қилаяпсан, эскилик сарқитини қўмсаяпсан, деб дағдаға урмайди. Диний маросимлар, урф-одатлар қайтадан тикланди. Ҳукумат томонидан хоҳ иқтисодий, хоҳ сиёсий, хоҳ ижтимоий соҳада бўлмасин одамлар манфаатларига мос ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат барча жабҳаларда одил сиёсат юргизаяпти.

«Қурбон ҳайит» сўзи даврнинг маломат тошлари остида кўмилиб қолган гавҳар янглиғ кишиларнинг дил тубида чўкиб ётарди. Бугун ўша сўз бутун мамлакат бўйлаб жаранглаяпти. Эрта тонгданоқ сизнинг хонадонингизга кириб боражак газетамиз саҳифаларида, барча нашрларда, ЎзТВ ҳамда радио орқали ушбу сўз сизнинг қалбингизга илиқ нурлар олиб кираяпти. Бугун одамлар бир-бирларига оқибат эшикларини очиб қўйишган. Биздан олдин ўттанлар руҳи шод бўлиши учун хонадонлар чироғи ёниб туради. Оллоҳ йўлида ҳар ким кучи еттанича қурбонлик қилади. Етим-есирлар, бева-бечоралар, сағир-суғурларга эҳсон этилади. Кишиларни меҳр-мурувват риштаси боғлайди. Беморлар ҳолидан хабар олинади. Мусулмон оламини самимият, биродарлик нури ёритади. Олисдагилар марҳумларни хотирлайди, яқинлар уларнинг қабрини зиёрат айлашади. Оллоҳнинг раҳматини сўрашади. Неки савоб бўлса, шу бугун қилинса, Яратганнинг чексиз ҳамду саноси билан кафолатланади. Бугун ҳеч ким оғринмаслиги керак. Кишилар бир-бирига қўл кўтармайди, сўкинмайди. Ислом мамлакатларида ўқлар учмайди, отишмалар тўхтайди. Разолат ва қабоҳат пардасини эзгу тилакларнинг ҳалол қўли сидириб ташлайди.

Ҳаммасидан яхшиси, озод юртимиз бағрида ўсаётган болажонларимиз шуурида Ҳақ йўлига нисбатан иззат-эҳтиром ҳисси кучаяди. Улар оталарининг болалиги каби ўткинчи, аллақандай мафкуралар сиртмоғини бўйнига илиб, кўчаларда байрам қилишмайди. Дунёни бошларига кўтариб «урра-урра»лаб қичқиришмайди. Олам сарварининг ягоналигини англай бошлашади. Ва қалбларида иймон майсалари бўй чўзади. Улар борлиғи билан ўзлик ва эътиқод қудратини туйишади. Ҳатто, ўқитувчилари ҳам уришмайди уларни, бу эскилик... яна... алламбалолар, деб қўлларини ниқтаб гап уқтиришмайди. Яна айтайми, болаларимиз ҳам ўз домлаларига: «Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин», дея олади.

Мамлакатимизда бугун халқ эътиқоди, дин, урф-одатларга ҳеч нарса соя ташламайди. Ана, аҳли муслим кўнглида яхши тилаклар, гўзал сўзлар дарё бўлиб оқаятти. Ҳур Ватан одамлари ёруғ ва munaввар айёмда Оллоҳ сари юз бураяпти. Диллардан бир тилак тошади: Қурбон ҳайитингиз муборак бўлсин!

Қўчқор НОРҚОБИЛ, «Халқ сўзи» мухбири.

ECO LOT ECO SAIT

"ЭКОЛОТ" қўшма корхонаси 1-чи серия 20 сўмлик Республика лаҳзалик пуллик лоторея чипталарининг сотилиши якунига етганлигини маълум қилади.

Шу сериядаги ютуқ чиққан лотерея чипталарини Халқ банки бўлимларига 1997 йил 15 октябргача топширишингиз мумкин. Юқорида қайд этилган муддатдан сўнг ютуқлар тўланмайди ва эътирозлар қабул қилинмайди.

"ЭКОЛОТ" қўшма корхонаси маъмурияти, тел.: 343330, 330665.

Қисқа муддатли давлат облигацияларининг 21014UMFS - чиқарилишини жойлаштириш тўғрисида

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1997 йил 23 апрелда давлат қисқа облигацияларининг ўн тўртинчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21014 UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 3 000 000 000 (уч миллиард) сўм;

в) Обилгациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;

г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1997 йил 23 июль;

д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари -- ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.

е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир делер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимошди савдоси 1997 йили 23 апрелда, соат 10.00 да Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Кимошди савдоси ва иккиламчи савдолар Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 6-уй, Ўзбекистон республикаси Валюта биржасида.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

	Дилер	Манзил, телефон
1	«Ўзсаноатқурилиш» банки	Тошкент ш., А.Тўқай кўч.,3. Тел.: 33-24-86,36-14-77.
2	Миллий банк	Тошкент ш., Охунбобоев кўч.,23. Тел.: 33-17-12.
3	Ўзпахтабанк	Тошкент ш., Муқимий кўч.,43. Тел.: 78-10-94,77-91-66.
4	Халқ банки	Тошкент ш., «Қатортол» кўч.,46. Тел.: 78-29-45,78-29-81,78-82-14.
5	Ғаллабанк	Тошкент ш., Лоҳутий кўч., 36.Тел.: 36-16-17.
6	"Турон" АТББ	Тошкент ш., Навоий кўч., 44.Тел.: 42-23-85.
7	Ўзприватбанк	Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси,51. Тел.: 39-16-63, 39-14-42, 39-46-19, 39-10-18..
8	"Ипак йўли" АИТБ	Тошкент ш., Фарҳод кўч.,12а.Тел.: 76-89-73.
9	Тошуйжойжамғармабанк	Тошкент ш., Пушкин кўчаси,17. Тел.: 36-33-31,36-32-31,33-29-57,33-11-22.
10	Алоқабанк	Тошкент ш., Толстой кўч.,1.Тел.: 36-10-21.
11	Трастбанк	Тошкент ш., Навоий кўч.,7.Тел.: 41-01-10.
12	Андижонбанк	Андижон ш., Бобур шоҳ кўч.,85. Тел.: 45-33-69(Тошкент),4-36-88(Андижон).
13	Асакабанк	Тошкент ш., «Нукус» кўч.,67. Тел.: 54-04-50,54-18-74.
14	АБН АМРОБАНК	Тошкент ш., Ҳ Олимжон майдони, "Бизнес-комплекс",4-подъезд,тел.:32-00-76,32-00-70.

21011UMFS чиқарилишдаги давлат қисқа муддатли облигацияларини қоплаш тўғрисидаги ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1997 йил 23 апрелда ўн биринчи чиқарилишдаги давлат қисқа муддатли облигацияларининг тўлови амалга оширилишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21011 UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 2 000 500 000 (икки миллиард беш юз минг) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;

Облигациялар тўлови 1997 йил 23 апрель куни соат 9.00 да қуйдаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳ кўчаси, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси.

21011UMFS чиқарилишдаги облигациялар тўловидан олинган маблағлардан 21014UMFS чиқарилишдаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин.

Тўлов билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш мумкин.

ЯМ-ЯШИЛ ДАРАХТ

Шўрчи туманидаги «Санъат мактаби»нинг директори Орзиқул Нуралиев санъатни шундай таърифлайди.

-- Биз Бойсун тумани «Шалола» жамоасининг чиқишларига кўникиб қолган эдик. Кейинги йилларда эса Шўрчи санъаткорлари вилоят, республика кўрик-тадбирларида пешқадамлик қилишмоқда. Бундай фаолликнинг асослари ҳақида гапириб берсангиз.

-- Аввало, «Шалола»га гап йўқ. Энг муҳими, уларнинг ҳар бир муваффақияти бизни хурсанд қилади. Қўшиқлари аллақачон халқ мулкига айланди. Мактаб эса шунинг учун мактабки, ундан ҳамма ўрганади, сабоқ олади. Шу маънода бизнинг «Шалола»дан ўрганган жойларимиз кўп. Аммо санъат шундай дарахт эканки, у доим ям-яшил бўлиб туриши керак. Унинг бундан бўлак йўли йўқ. Шундагина бу улкан дарахтнинг янги шохлари кўкариб чиқаверади. Шўрчи тумани санъаткорларининг кейинги йиллардаги муваффақиятларини ана шундай баҳоламоқ керак. Аслида, санъаткор -- халқдир. Унинг имкониятлари эса чексиз. Алоҳида иқтидор ана шу имкониятларни намоён қиладилар. Аммо намоён бўлиши учун тарбия, шароит керак. Тумандаги «Санъат мактаби» ана шу вазифани ўтамоқда.

-- Шу мактаб ҳақида батафсилроқ билишни истардик.

-- Унинг ташкил этилганига ўттиз беш йил бўлди. У ёгини сўрасангиз ўзимиз ҳам шу мактабда қўлимизга соз ушлаганмиз. Камтарлик бўлмаса ҳам айтайин, машғулотлар давом этаётган пайти йўловчилар ҳам бир зум тўхтаб қолишади. Юрагида ўти бор талантлар мактабимизга ўзлари кириб келишади.

Мусиқа машғулотлари умумтаълим мактабларидаги дарслардан сўнг бўлади. Болалар бизда асосан уч-тўрт йил ўқишади. Энг катта ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимида 122 нафар ўқувчи-санъаткор машқ қилади.

Найчиларга Фахриддин Алимардонов раҳбар. Тўртинчи синф ўқувчиси Ислом Кенжаев Самарқанд шаҳрида ўтган найчилар кўригида қатнашиб «Фахрий ёрлиқ» олди. Доирачиларга эса Эркин Каримов дарс беради. Бу синфга ўн саккиз нафар бола қатнайди. Худди шу синф туманимиздаги «Доирачилар ансамбли»-ни ташкил этади. Ўн саккиз шогирдга икки устоз қўшилиб доира ургандан кейин ҳамма ёқ гумбирлаб кетади.

Дуторчилар синфи ҳақида ҳам ҳаяжонланмасдан гапириб бўлмайди. Бу синф раҳбари бултур «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган фахрий унвонга сазовор бўлди. Рустам Қоржонов раҳбарлик қилаётган рубобчилар синфини ўтган йили 46 нафар бола битирди. Яна чангчилар синфи ҳам бор. Бу чолғу асбобининг ҳам мухлислари кўп. Ҳозир йигирма олти нафар талабаси бор.

Биласизми, ҳатто кларнет синфимиз ҳам мавжуд. Беш нафар бола зўр бериб кларнет чалишни ўрганиб ётипти. Мактабимизда энг катта синф хореография-рақс синфидир. Иштирокчиси эллик саккиз нафар. Синфнинг собиқ ўқувчиси Шоира Қурбонова ҳозир Термиз санъат билим юртида муаллима. У вилоят миқёсидаги бадиий томошаларнинг асосий балетмейстеридир. Яна бир собиқ ўқувчимиз Дилмурод Ҳусанов эса «Шодлик» жамоасида ишлаяпти. «Ўзбекистон -- Ватаним маним» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб туманда биринчи ўринни олдик.

Яқинда талабаларимизнинг Тошкент шаҳрида таълим олаётган бир гуруҳи биргалашиб аввал Термизда, сўнг Шўрчида катта концерт беришди.

-- Ҳозир баъзилар таъминотдаги айрим узилишлардан нолишади. Шу масала сизларда қандай ечилянти?

-- Биласизми, қобилият ўз йўлига-ю, аммо санъаткор халқи барибир озроққина эътиборга, озроққина ғамхўрликка эҳтиёж сезади. Шу маънода бизнинг нолийдиган жойимиз йўқ. Туман ҳокимлигининг олдида ҳал бўлмайдиган муаммо йўқ. Санъаткорга нима керак? Маош, ўзини кўрсатиш учун шароит ва олқиш! Ғийбат бўлмасин-у, баъзи туманларда тўртта санъаткорни бир жойга тўплаб машқ ўтказадиган иморат йўқ. Биз машғулотлар ўтказаётган иморат эса... ўзингиз кўрдингиз -- гап йўқ! Ана шундай эътибор ва ғамхўрлик бўлаётганлиги учун ҳам бурунги йили «Буюк сиймолар» мақом кўригида Ўзбекистонда учинчи ўринни олдик. Танлов шу даражада қаттиқ бўлдики, учинчи ўринни биз худди биринчи ўриндай қабул қилдик. Бултур эса Абрайқуловлар оилавий ансамбли республика кўригида биринчи ўринни олди.

Шўрчи санъаткорлари уч йилдан бери Наврўз байрами ва Мустақиллик шодиёналарига бағишлаб намойиш этиладиган Республика томошаларида вилоят номидан бориб олқиш олишмоқда.

-- Яқинда ҳукуматимиз миллий санъатни ривожлантириш учун махсус қарор қабул қилди...

-- Шу муносабат билан туман ҳокимининг қарорини олдик. Бу ҳужжатда «Санъат мактаби»да чанқовузчилар, дўмбирачилар синфлари ташкил этиш кўрсатилган. Тадбирлар белгилаганмиз. Асосийси, моддий кўмак бор. Ишнинг қолгани ўзимизнинг қўлимизда. Мен мактабимизни битириб чиққан ёш санъаткорларни худди қалдирғочларга ўхшатаман. Кичик бўлгани билан Баҳорни елкасида кўтариб юради. Шунинг учун ҳам Санъат дарахти доим ям-яшил!

«Халқ сўзи» мухбири Тожиддин РАЗЗОҚ суҳбатлашди.

Яхши кайфият. Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

РЕСПУБЛИКА БОКСЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ ЮТУҒИ

Ўзбекистон боксчилари Таиланддан қайтиб келишди. Улар Таиландда бокс бўйича «Қирол кубоги» учун 21-анъанавий халқаро турнирда иштирок этдилар.

Ўзбекистоннинг 11 боксчидан иборат терма командаси Таиланддан иккита олтин, учта кумуш ва учта бронза медали олиб қайтди. Чирчиқдаги республика олимпия ўринбосарлари билим юртидан Алишер Раҳимов, андижонлик Ўткир Ҳайдаров ва когонлик Наримон Отаев бронза медални қўлга киритди. Андижонлик Маҳамадқодир Абдуллаев билан Темур Тўлаков, жиззахлик Лазиз Зокиров кумуш медални олишга муваффақ бўлди.

Олтин медал билан тақдирланган Дилшод Ёрбеков ўз вазн тоифасида (75 килограмм) энг яхши натижага эришди. Андижонлик Руслан Чагаевнинг қозоғистонлик Талғат Дўсанов билан учрашуви ҳам жуда қизиқарли ўтди. Бу учрашувда ўзбекистонлик боксчи ғолиб чиқди ва олтин медални олишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон боксчиларини Андижонда ўтадиган халқаро мусобақа кутмоқда. Республика бокс федерацияси ташаббуси билан ўтадиган бу мусобақада Қозоғистон, Россия, Туркманистон, Тожикистон ва Индонезия спортчилари иштирок этади.

(ЎзА).

ШУБҲАЛАР

Қаҳонки хаёлингиздан бирор шубҳали фикр ўтса, уни тарк этинг.

Ҳадиси ШАРИФДАН

Мана икки кунки, Орзигулнинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Гоҳ юзлари уятдан ёнса, гоҳ умидсизликдан юраги ёрилгудай бўлади. Ҳаммаси қайнонасининг ғалати ҳаракатларидан бошланди.

Аслида-ку, қайнонаси жуда яхши кўрарди. Кўни-қўшниларга ҳам тилидан бол томиб, келинини мақтаб юрарди. Аммо Орзигул яқинлашиши билан дарҳол жим бўлар, ёки суҳбат мавзусини ўзгартириб юборарди. Келин эса «мени ёмонлаётган эканлар-да» дея ўз-ўзидан шубҳалана бошларди. Бора-бора бу шубҳалар унинг кўнглига бутунлай ҳокимлик қилиб олди.

Ниҳоят, бир куни Орзигул эрига кўнглидагини тўкиб солди, «онангиз менинг хизматларимни билмайди, нуқул кўни-қўшниларга ёмонлаб юради». Анвар аввалига бу гапга парво қилмади, кейинчалик ҳазилга буриб юрди. Аммо хотини тинмай такрорлайвергач, уларнинг ўртасида можаро бошланди. Бу нарса қайнонага, кўни-қўшниларга етиб борди. Онанинг қадди чўккандай бўлди. Масаланинг асл моҳияти ойдинлашгач, Анвар «мен бундай бадгумон хотин билан яшай олмайман» деди.

Неча кунлик шубҳа ва гумонлар асабини толиқтирган Орзигул ҳам аччиқ устида отасининг уйига қайтиб келди. Энди эса икки кундан буён, қилиб қўйган ишидан афсусда. «Қайнонамнинг юзига қандай қарайман, Анвар акамнинг олдида ким деган одам бўлдим, кўни-қўшнилар нима дейди»...

Яқинда шубҳалар ҳақида суҳбатлашарканмиз бир дугонам:

-- Мен ҳеч кимдан шубҳаланмайман, демак менга унинг дахли йўқ, деб қолди.

-- Бирор киши сиздан асоссиз шубҳаланаётганини сезиб қолсангиз, қандай аҳволга тушасиз,-- дея савол бердим.

-- О-о .... бунга чидаб бўлмайди....-- деди у.

Мана кўрдингизми, ҳеч биримиз уларни ўзимизга дахлсиз дея олмаймиз. Кечқурун ишдан келган эр хотинининг уйда йўқлигини кўргач, дараги чиққунича шубҳаларнинг минг бир кўчасига кириб чиқади. Турмуш ўртоғининг ишдан кеч келиши ҳам аёл қалбини шубҳа ва гумонларга тўлдиради. Шундай кезда ишониши мумкин бўлган гап айтилса яхши, акс ҳолда...

Ўша куни Шавкат ўртоқлари билан қишлоққа тўйга кетди. Иноятга айтиб қўймоқчи эди, аммо сира имкони бўлмади. Уйга бориб келай дейишга дўстларидан андиша қилди. Аникроғи, уларнинг «ҳа, хўжайинга айтмасанг бўлмайдими?» деб аския қилишларидан чўчиди. Икки кун мазза қилиб дам олишди.

Учинчи куни уйига келаркан, учраган танишларининг бариси «қаерда эдингиз?» деб сўроққа тутарди. Шунда Иноят шаҳардаги ҳамма танишларникига қўнғироқ қилиб, Шавкатни қидиргани маълум бўлди. У ҳарчанд тўйга борганига Иноятни ишонтирмоқчи бўлсада, хотини унинг гапларини рад этарди.

Дўстларидан бирини гувоҳликка чақиришга мажбур бўлди. Аммо Иноят унга ҳам ишонмади. Шу кундан бошлаб Шавкатнинг ҳар бир қадамини ўлчаб юришга аҳд этганини маълум қилди. Орадан ўтган кунлар ва ойларда таъқибдан чарчаган йигит ўз уйидан тобора узоқлашиб борарди. Ниҳоят «хотиним барибир мендан шубҳа қилаверади» деб ўйлади-ю, хиёнат кўчасига юз тутди. Уйидан, юриш-туришидан топа олмаган ҳаловатини бошқа бир аёлдан қидиришга уриниб кўрди. Шубҳаларнинг исканжасида қолган Иноят Шавкатни ўша аёл билан бирга кўрди-ю... ажралиш ҳақида судга ариза берди. Уларнинг орасидаги жарлик шу қадар чуқурлашган эдики, натижада яна бир оила шубҳалар қурбони бўлди.

Барча ёвуз кўчлар қурбонликка ожиз кўнгилларни танлаши маълум. Аёллар қалби эса нозиклиги билан достон бўлган.

Шубҳалар ўзига яна ва яна янги қурбонлар ахтаради.

Кимсасиз кўчада бораётган аёл, қаршисидан келаётган йигитни кўриб юраги шувиллаб кетганини ҳис қилади. Йигит олдидан хотиржам ўтиб кетгач, «хайрият-ей» деб кўнгли ёришади.

Автобусда эса орқангизда турган кишининг қарашларидан бир чўчиб, «сумкамни кесиб кетса-я» деб ўйлайсиз. Албатта эҳтиёткорлик яхши. Лекин шубҳаларга эрк бериш жудаям яхши бўлмаса керак. Талабалик йилларимда дугонам билан бир хонада яшардик. Бир куни унинг тилло зираги йўқолиб қолди. Хонада иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Узоқ қидирдик. Тополмадик. Бир вақт унинг нигоҳида шубҳалар ўрмалаётганини сезиб қолдим. У билдирмасликка қанчалик уринмасин, барибир кўнглидаги шубҳалар унга тинчлик бермаётган эди. Ўтган икки кун мен учун ҳам, унинг учун ҳам жуда оғир кечди. Орамизга бегона шарпалар кириб олгандай эди. Бир-биримизга билдириб-билдирмай, зиракни қидирамиз, қани у топилса-ю, дугонамнинг кўнглидаги шубҳалар сидирилиб кетса, дейман.

Учинчи куни ишдан келсам, у хурсанд ва яна бироз ҳижолатлик билан менга пешвоз чиқди. Маълум бўлишича, зирак унинг рўмолчасига илиниб, сумкасига тушиб кетган экан. Дугонам асоссиз гумонлар кўнглидан ўтганини сезиб қолганимдан ҳижолатда эди. Ўшанда кўринмас шарпаларнинг залворли юкидан халос бўлиб, елкамдан тоғ қулагандай енгил тортгандим.

Улар барчанинг қалбини бирдай қамраб олади. Сўнгра аста-аста асабларни бўшаштириб, кайфиятингизга таъсир ўтказа бошлайди. Агар ён бераверсангиз борми, ҳаётингизга албатта, бирор ҳалокатни олиб киришга уринади, жуда бўлмаганда соғлиғингизга зиён етказади.

Бир-биримизга меҳрли-муҳаббатли бўлишимиз учун кўнглимизга кўринмас лашкарлардай ёпирилиб киргувчи шубҳалардан жуда эҳтиёт бўлишимиз лозим. Зеро, улар кайфиятимизга, соғлигимизга, оиламизнинг тинчлигига салбий таъсир кўрсата олмасин. Ҳаётимиз эса юқоридаги учлик асосида мазмунли кечади.

Ҳамро Бону МУСУЛМОНОВА.



Немис кўргазмаси ташкилотчиси fairtrade сизни таклиф этади

Central Asia agro food 97

Official Sponsor:

NOVARTIS

Кўргазмага жаҳоннинг 19 мамлакатидан келган иштирокчи ўзининг янги маҳсулоти ва илғор технологиясини тавсия этади:

- ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаси
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун технология ва маҳсулотлар
- саноат учун ускуналар
- тайёр буюмлар (ўсимлик ёғи, ширинликлар, гўшт маҳсулотлари, пиво, алкоголсиз ичимликлар, чой ва ҳоказо)
- маҳсулотни ўраб жойлайдиган технологиялар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари,озиқ-овқат саноати ва маҳсулотларни ўраб жойлайдиган технологияларнинг 2-халқаро кўргазмасига ташриф буюринг!

1997 йил 22-25 апрель

Ўзэкспомарказ Тошкент, Ўзбекистон
Ишлаш вақти: 10.00 - 18.00

Organized by:

fairtrade Messe und Ausstellungs GmbH

Republican Trade and Exhibition Centre UZEXPOCENTRE

700084,Ўзбекистон,Тошкент.
Амир Темур кўчаси,107.
Тел.: (3712) 34-45-45,факс: 35-83-30

UZDUNROBITA cellular

Сиз уяли телефонингизни зудлик билан бошқа абонентга беришингиз керак ...

Илгари бу сизга **500$** га тушарди.

Энди эса

Йўқ, бу хато эмас, айнан ЎТТИЗ!

"Ўздунробита" қўшма корхонаси 1997 йилнинг 1 апрелидан уяли телефон хизматини қайта расмийлаштириш учун тарифни

16 баравардан кўпроқ арзонлаштирди!

Тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳақи тўланаётган кундаги курси бўйича сўмда қабул қилинади.

"Ўздунробита" ҚКнинг кечаю кундуз ишлайдиган маълумот хизмати телефони ***30-09-09.***

Қўшма корхонанинг ҳамма абонентлари учун барча қўнғироқлар - ***бепул.***

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28;
Эълонлар 36-09-25.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0227 40.823 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти—21.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 18.50 123456